



better<sup>TM</sup>  
cotton

Узлуксиз ҳужжатли  
назорат стандарти

1.0-тахрир | 2023 йил, май



## **Сарлавҳа**

Better Cotton ташаббуси Узлуксиз ҳужжатли назорат стандартининг 1.0-тахрири

### **Стандарт кучга кирган сана**

2023 йил 7 февралда Better Cotton кенгаши томонидан тасдиқланган

2023 йил 1 октябрдан кучга киради (ўтиш даври 2025 йил май ойи охиригача)

### **Таржима тўғрилиги ва аниқлиги**

Мазкур ҳужжатнинг расмий тили инглиз тили ҳисобланади. Таржима натижасида номувофиқлик юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги ҳужжатга мурожаат қилинг. Бошқа тилларга таржималар тақдим этилса-да, Better Cotton ташаббуси таржима жараёнида юзага келадиган хато ёки тушунмовчиликлар учун масъулиятни ўз зиммасига олмайди.

### **Кейинги кўриб чиқиши**

Better Cotton ташаббусининг Узлуксиз ҳужжатли назорат тизими камида беш йилда бир марта кўриб чиқилади. Кейинги кўриб чиқиш 2028 йилда амалга оширилиши кутилмоқда.

### **Савол ёки таклифларингиз борми?**

Биз билан [helpdesk@bettercotton.org](mailto:helpdesk@bettercotton.org) электрон почта манзили орқали боғланинг

Better Cotton Initiative

7-9 Chemin de Balexert

1219 Châtelaine, Switzerland

## **Мундарижа**

|  |           |
|--|-----------|
| <b>1. Кириш</b>  | <b>5</b>  |
| <b>2. Бошқарув тизимиға қўйиладиган талаблар</b>                         | <b>11</b> |
| <b>3. Харидлар, қабул қилиб олиш ҳужжатлари, сақлаш ва ишлаб чиқариш</b> |           |
|  | <b>14</b> |
| <b>4. Сотувлар ва товарларни жўнаташ</b>                                 | <b>16</b> |
| <b>5. Товар ҳажмини таққослаш</b>  | <b>17</b> |
| <b>6. Таъминот занжирларидағи Узлуксиз ҳужжатли назорат моделлари</b>    |           |
|  | <b>18</b> |

## Янгиланган таҳрирлар

Better Cotton ташаббусининг Узлуксиз ҳужжатли назорат (УҲН) стандарти учун жавобгарлик Better Cotton ташаббусига тегишли. Ўқувчилар мазкур (ва бошқа тегишли ҳужжатларнинг) сўнгги нусхасидан фойдаланиши талаб этилади. Нусхалар, таҳрирлар ёки таржималар орасидаги ҳар қандай номувофиқликлар Better Cotton ташаббусининг [www.bettercotton.org](http://www.bettercotton.org) веб-сайтида жойлаштирилган талабларнинг сўнгги таҳририга мурожаат қилиш орқали бартараф этилади.

| Таҳрир рақами                             | Эълон қилинган сана | Киритилган ўзгартиришлар   |
|---|---------------------|--|
| <b>УҲН асосий тамойиллари, 1.2-таҳрир</b> | 2015 йил, 1 март    | Тамойилларнинг батафсил кўриб чиқилиши   |
| <b>УҲН асосий тамойиллари, 1.3-таҳрир</b> | 2018 йил, 1 май     | Мазмунни янгилаш ва аниқликлар киритиш учун қайта кўриб чиқилган таҳрир. Асосий ўзгартиришлар қуйидагиларни ўз ичига олади: Амалга оширувчи ҳамкорларга нисбатан қўйиладиган талабларга аниқлик киритилди; пахта тозалаш заводларига нисбатан харидлар қайдлари, ҳужжатлаштирилган харидлар жараёнлари ҳамда воситачилар устидан назорат бўйича қўйиладиган талаблар қайта кўриб чиқилди; маълумотларни Better Cotton Platform (BCP, илгари Better Cotton Tracer) тизимиға киритишнинг максимал муддатлари аниқлаштирилди; BCP даги қайдлар билан боғлиқ бўлган транзакцияларга мажбурий ҳавола рақамлари қўшилди; 2020 йилга келиб, таъминот занжирида Better Cotton ёрлиғи остидаги маҳсулотларни сотиб олувчи ва сотувчи барча ташкилотлар учун BCP тизимидан мажбурий фойдаланиш кўлами кенгайтирилди; таъминот занжири мониторинги бўйича талабларга аниқлик киритилди, шу жумладан ҳужжатларни масофадан туриб талаб қилиб олиш, номувофиқликлар ва талабларга жавоб бермаганлик учун жарималар. |
| <b>УҲН асосий тамойиллари, 1.4-таҳрир</b> | 2020 йил, 22 июль   | УҲН талабларининг аниқлиги ва тўлиқлигини таъминлаш мақсадида қайта кўриб чиқилган таҳрир. Асосий ўзгартиришлар қуйидагилардан иборат: ортиқ фойдаланилмаётган бошланғич файллар олиб ташланган; аниқроқ тушуниш учун мезонлар иккига ажратилган; ёрдамчи йўриқномада келтирилган талаблар мезонлар қисмига кўчирилган; чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида айрим мезонлар қайта ишланган; таърифлар рўйхати қўшилган; изчиллик ва аниқликни таъминлаш учун аниқ таърифлардан фойдаланиш кучайтирилган (масалан, "Better Cotton ёрлиғи остидаги маҳсулотлар" "BCI   |

|  |  |   |
|--|--|---|
|  |  | буортмалари" билан алмаштирилди); хужжат тузилишига ўзгартириш киритилди; УҲН ичидаги талаблар алоҳида иловаларга ўтказилди.  |
| <b>Узлуксиз<br/>хужжатли<br/>назорат<br/>стандарты,<br/>1.0-тахрир</b> | 2023 йил 10<br>май<br>(2025 йил<br>май ойи<br>охиригача<br>бўлган ўтиш<br>даври билан) | Хужжат номи ўзгартирилди ва қайта тузилди. Бунда қуидаги ўзгартиришлар киритилди:<br><ul style="list-style-type: none"> <li>• УҲНнинг 3 та янги жисмоний модели жорий этилди;</li> <li>• Бошқарув тизимига нисбатан қўйиладиган талаблар уйғунлаштирилди ва кенгайтирилди;</li> <li>• Хужжатлар, харидлар, материалларни қабул қилиш ва сотишга доир изчил талаблар белгиланди;</li> <li>• УҲН стандартида таъминотчиларга нисбатан қўйиладиган норматив талабларга алоҳида эътибор қаратилди. Амалга ошириш ва мониторинг қўлланмаси, ВСР платформаси талаблари, чакана савдо ва бренд баёнотларига нисбатан талаблар ҳамда Better Cotton дастури ҳамкорларининг мажбуриятлари алоҳида хужжатларга кўчирилди.</li> </ul> |

## 1. Кириш

Better Cotton - глобал миқёсда фаолият юритувчи нотижорат ташкилоти бўлиб, пахтани табиатга зиён етмайдиган усулларда етиштиришга қаратилган дунёдаги энгийрик дастур ҳисобланади. Бизнинг вазифамиз – пахтакорлар ўз фаолиятини давом эттириши ва гуллаб-яшнашига кўмаклашиш баробарида, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) мувофиқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш ҳамда жойларда илғор ва аниқ ўлчанадиган ижобий ўзгаришларга эришиш. Better Cotton – қўшма ташаббус бўлиб, фермер хўжаликларидан тортиб таъминотчилар, ишлаб чиқарувчилар ва брендлар билан биргаликда дунё бўйлаб пахта ишлаб чиқариш жараёнини ўзгаририш ва Better Cotton маҳсулотининг табиат учун безарап хомашё сифатидаги мақомига асосланган ҳолда, ижобий таъсирни чуқурлаштиришга интилади.

Better Cotton ташаббусининг стандартлар тизими пахтани табиатга зиён етмайдиган усулларда етиштириш ва хомашё таъминоти манбаларига нисбатан яхлит ёндашув бўлиб, барқарорликнинг учта устуни: экологик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни қамраб олади. Тизимнинг ҳар бир элементи, яъни Better Cotton тамойил ва мезонларидан (T&M) тортиб, натижা ва таъсирни акс эттирадиган мониторинг механизмларигача, табиат учун безарап амалиётларни жорий этишга туртки бериш мақсадида, яхлит механизм сифатида ишлайди.

Better Cotton ташаббусининг Узлуксиз хужжатли назорат (УҲН) стандарти Better Cotton ёрлиғига эга бўлган маҳсулотларни (Better Cotton T&Mга мувофиқ ишлаб чиқарилган) талаб томони билан боғлайдиган асосий тизимdir. УҲН стандартида таъминот занжирида иштирок этиб, Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтани ёки таркибида пахта бўлган маҳсулотларни Better Cotton Миқдор мувозанати (Mass Balance) тизими доирасидаги буюртма сифатида харид қиласиган ёки сотадиган ташкилотлар учун текшириладиган талаблар белгиланган (1.2.1да белгиланганидек). Ишлаб чиқарувчилар, таъминотчилар, чакана сотувчилар ва брендлар Better Cotton ташаббусининг УҲН стандарти ва Better Cotton баёнотлар тизими талабларига риоя қилган тақдирдагина, ўз маҳсулотларида Better Cotton ёрлиғига эга бўлган жисмоний пахтадан фойдаланаётгани ёки жойлардаги дастурларимизни Миқдор мувозанати тизими орқали буюртма қилиш воситасида қўллаб-қувватлаётганини даъво қилиши мумкин.

Келажакда УҲН стандарти мақбул амалиётларга мувофиқ ривожланишда давом этади. УҲН стандартининг 1.0-таҳрири Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтани таъминот занжирида келиб чиқиши мамлакатига қадар кузатиш имконини беради. Better Cotton ташаббусининг Маҳсулотни таъминот занжири бўйлаб кузатиш дастури стратегиясига мувофиқ, кузатиш даражасини янада батафсилроқ қилиш мақсадида, келажакда УҲН стандартига катта ўзгаришишлар киритишни режалаштирумөдамиз. Ўзгаришишлар суръати Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтага бўлган талаб асосида аниқланиб, пахта қиймат занжиридаги асосий манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашган ҳолда белгиланади.

### 1.1 Қўлланиши

Better Cotton ташаббусининг УҲН стандарти талаблари дунё бўйлаб Better Cotton ёлиғи остидаги жисмоний пахтани сотиб оладиган ёки сотадиган ёки Better Cotton Миқдор мувозанати тизими буюртмаларини бажарадиган таъминот занжиридаги барча ташкилотлар учун амал қиласи. Булар сирасига пахта хомашёси воситачи ва бозорлари, пахта тозалаш корхоналари, савдогарлар, тола сотувчилари, йигирув қувватларига эга бўлган фабрикалар, йигирув қувватларига эга бўлмаган фабрикалар ёки таъминотчилар (жумладан, текстиль фабрикалари, бўяш фабрикалари, ип ва/ёки газлама сотувчилари, вертикал фабрикалар), тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилари, таъминотчи агентлар ҳамда чакана сотувчилар ва ўз ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган брендлар ва бошқалар киради. Заруратга қараб, ташкилотлар ўз назорат доирасига субпудрат (аутсорсинг) ташкилотларини ҳам киритади.

Better Cotton ташаббусининг УҲН стандарти Better Cotton ташаббусининг Тамойил ва мезонлари ҳамда эквивалент схемаларга мувофиқ етиштирилган таркибида жисмоний табиий пахта бўлган маҳсулотларга ҳамда Миқдор мувозанати тизими буюртмалари доирасида етказиб бериладиган таркибида пахта бўлган маҳсулотларга нисбатан қўлланади. Айни пайтда, ишлаб чиқариш жараёнларининг ёндош маҳсулоти сифатида ишлаб чиқарилган материаллар ва қайта фойдаланиш мумкин бўлган ҳар қандай чиқиндилар (масалан, чигит толаси) Better Cotton ёлиғи остидаги жисмоний пахта сифатида сотилишига йўл қўйилмайди.

Better Cotton ташаббуси УҲН дастурида иштирок этиш тўғрисидаги ҳар қандай аризани рад этиш хуқуқини сақлаб қолади. Ташкилотлар баҳолаш ёки мониторинг тадбирлари доирасида қабул қилинган ҳар қандай қарор бўйича шикоят киритиш имкониятига эга бўлиб, шикоятлар Better Cotton ташаббусининг Шикоятларни кўриб чиқиш сиёсатига мувофиқ кўриб чиқиласи.

Better Cotton ташаббуси, айrim истисно ҳолатларда, талаб муайян шароитга тааллуқли бўлмаслиги ёки қўлланиши мумкин эмаслигини эътироф этади. Бундан ташқари, Better Cotton таъминот занжири иштирокчилари айrim талабларга тўлиқ риоя қилиш имконини бермайдиган кутилмаган ёки тизимли вазиятларга дуч келиши мумкин. Бундай ҳолатларни ҳисобга олиш учун Better Cotton ташаббусининг истиснолар жараёни мавжуд. Better Cotton ташаббуси томонидан УҲН стандартига нисбатан қўлланадиган истиснолар рўйхатини қуидаги сайтдан топиш мумкин: <https://bettercotton.org>.

## 1.2 УҲН модели таърифлари

Better Cotton ташаббусининг УҲН стандарти тўртта УҲН модели вариантини ўз ичига олади: Миқдор мувозанати (Mass Balance), Назорат остида аралаштириш (Controlled Blending), Сегрегация (Бир нечта мамлакат) ва Сегрегация (Бир мамлакат).

Таъминотчилар, ишлаб чиқарувчилар, чакана сотувчилар ва брендлар ўз бизнес эҳтиёжлари ва фаолият шароитига энг мос келадиган УҲН моделларидан фойдаланиши тавсия этилади. УҲН стандарти текширувдан ўтган битта ишлаб чиқариш майдончасида бир нечта вариантдан фойдаланишни осонлаштириш учун мўлжалланган.

**1.2.1 Миқдор мувозанати (Mass Balance)** – ҳисоб-китоб тизими бўлиб, Better Cotton маҳсулотидан фойдаланилгани акс эттирилган баёнотларни бир Better Cotton маҳсулотидан бошқасига жисмоний аралаштириш ёки маъмурий усул билан Better Cotton маҳсулотидан фойдаланганлик тўғрисидаги баёнот бирликлари (Better Cotton Claim Units - BCCUs) ёрдамида ўтказиш имконини беради. Бунинг натижасида Better Cotton маҳсулотидан фойдаланганлик тўғрисидаги баёнот бирликларида BCCU бирликларида Миқдор мувозанати буюртмаси сифатида сотиладиган жисмоний пахта миқдори таъминот занжири бўйлаб BCCU бирликларида (тегишли қайта ҳисоблаш коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда) сотиб олинган пахта миқдоридан ошмаслиги таъминланади.



1-расм. Миқдор мувозанати тизимидағи УҲН модели кўриниши


**1.2.2 Назорат остида аралаштириш (Controlled Blending)** модели маълум бир маҳсулот партиясида Better Cotton ёрлифи остидаги жисмоний пахта билан анъанавий пахтани аралаштириш имконини бериб, натижада, мазкур партияда Better Cotton ёрлифи остидаги жисмоний пахтанинг муайян фоиздаги улуши борлиги тўғрисидаги баёнот шаклланади. Анъанавий пахта қайта ишланган, қайта тикланадиган, органик, ўзгартириладиган ва BCP тизими шартларига мувофиқ тарзда етказиб берилган ҳар қандай бошқа пахта маҳсулотини ўз ичига олиши мумкин.

Мазкур модельдан фақат йигирув фабрикаси босқичидан бошлаб, ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш босқичлари доирасида фойдаланишга йўл қўйилади. Ундан Better Cotton ёрлифи остидаги маҳсулотларни сотиш ва/ёки тарқатиш ёки маҳсулотларга жисмоний эгалик қилиш назарда тутилмаган савдо майдонларида фойдаланиш мумкин эмас. Қайта ишланган пахтани сотиш ёки тарқатиш билан УҲНнинг Назорат остида аралаштириш модели асосида шуғулланувчилар маҳсулот уларнинг тасарруфида бўлган пайтда унинг сегрегацияси ва жисмоний идентификациясини таъминлаши шарт.



2-расм. Назорат остида аралаштириш тизимидаги УХН модели күриниши

**1.2.3 Сегрегация (Бир нечта мамлакат)** моделида Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта билан анъанавий пахтани фермер хўжалиги даражасидан бошлаб ажратиш талаб қилинади ва Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта билан анъанавий пахтани бутун таъминот занжири давомида аралаштириш ёки алмаштиришга йўл қўйилмайди. Мазкур модель Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта бир нечта (бирдан ортиқ) мамлакатдан келтирилганда қўлланади.



3-расм. Сегрегация (Бир нечта мамлакат) тизимидаги УХН модели күриниши

**1.2.4 Сегрегация (Бир мамлакат)** моделида фермер хўжалиги даражасидан бошлаб, Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта билан анъанавий пахта ажратилиши талаб этилади. Бунда келиб чиқиши турли мамлакатлардан бўлган Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта билан келиб чиқиши ҳар қандай мамлакатдан бўлган анъанавий пахтани таъминот занжири бўйлаб аралаштириш ёки алмаштиришга йўл қўйилмайди. Ушбу модельни қўлладиган барча ташкилотлар бир мамлакатдаги Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта материали бошқа барча

пахта манбаларидан, шу жумладан, Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта ишлаб чиқарувчи турли мамлакатлардаги материаллардан жисмонан алоҳида сақланишини таъминлаши керак.



*Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта ҳар доим  
мамлакатлар кесимида ажратиласы*

4-расм. Сегрегация (Бир мамлакат) тизимидағы УХН модели күриниши

### 1.3 УХН моделининг таъминот занжирида қўлланиши

Сегрегация (Бир мамлакат) таъминот занжирининг фермер хўжалиги ва пахта тозалаш корхоналари даражасида қўлланади. Сегрегация (Бир мамлакат) ва Миқдор мувозанати тизими таъминот занжирининг пахта хомашёси сотувчилари даражасида қўлланади. Таъминот занжирининг қолган қисмида барча УХН таъминот занжири моделлари ёки УХН таъминот занжири моделларининг комбинацияси, шу жумладан, мавжуд Миқдор мувозанати модели қўлланиши мумкин. Better Cottonнинг чакана савдо билан шуғулланадиган ва ўз брендига эга бўлган аъзолари барча УХН моделларидан фойдаланишга йўл қўйилади.



5-расм. УҲН моделларининг таъминотчи турига қараб қўлланиши

Better Cotton маҳсулотидан фойдаланилгани акс эттирилган баёнотлар (Better Cotton Claims) билан боғлиқ маҳсулотларни сотиб олиш ёки сотишда қилиниши мумкин бўлган баёнотлар тўғрисида батафсил маълумот учун Better Cotton Claims Framework компонентига қаранг.

#### 1.4 УҲНни жорий этиш кўлами

**1.4.1** Таъминот занжирининг ҳар бир босқичида ташкилот тегишли таъминот занжирининг УҲН модел(лар)ини обьект даражасида жорий этиши керак. УҲН талаблари ва маълумотлари ташкилотга тегишли бўлган ҳар бир обьектда, барча тегишли УҲН моделлари, шу жумладан, Миқдор мувозанати моделига нисбатан амал қиласди.

**1.4.2** Таъминот занжири доирасида фаолият юритувчи Better Cotton ёрлиғи остидаги пахтага жисмоний эгалик қилмайдиган агент ва/ёки брокерлар қўйидаги шартларнинг барчаси бажарилган тақдирда, УҲН стандартига тегишли талабларга мувофиқ текширувдан ўтиши талаб этилмайди:

- Уларнинг юқори бўғин таъминотчиси УҲН стандартига мувофиқлик бўйича текширувдан ўтган бўлса.
- Агент ва/ёки Брокер мижозига ҳамда Better Cotton ташаббусига юқори бўғиндаги таъминотчи ва тегишли УҲН таъминот занжири модели тўғрисида маълумот берилган бўлса.
- Материаллар тўғридан-тўғри Агент ва/ёки Брокернинг юқори бўғин таъминотчисидан Агент ва/ёки Брокернинг мижозига юборилса ва бу ВСР тизимида қайд этилган бўлса.
- Агент ва/ёки Брокер ҳеч қандай ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш фаолияти учун аутсорсинг пудратчиларидан фойдаланмаса.

д. Сегрегация (Бир мамлакат) ҳолатида, келиб чиқиш мамлакати түркисидаги транзакция мълумотлари Агент ва/ёки Брокер мижозига ҳам тақдим этилса.

**1.4.3** Агентлар ва/ёки Брокерлар 1.4.2-банддаги барча шартларга жавоб берган тақдирда ҳам Better Cotton ташаббусининг УҲН стандартига мувофиқлик бўйича текширувдан ўтишни танлашига йўл қўйилади.

**1.4.4** Агар чакана сотувчилар / брендлар ўз ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш учун бевосита жавобгар бўлмаса, улардан стандартга мувофиқлик бўйича текширувдан ўтиш талаб қилинмайди.

**1.4.5** Ташкилот мазкур УҲН стандарти талабларига жавоб бермайдиган жараён ва маҳсулотларни истисно қилиш учун ўзининг мувофиқлик бўйича текширувдан ўтиш кўламини белгилаши мумкин. Истисно этилган жараён ва маҳсулотлар Better Cotton маҳсулотларидан фойдаланилгани акс эттирилган баёнотлар билан боғлиқ бўлмайди.

#### **Better Cotton Platform тизими**

Better Cotton Platform (BCP) - Better Cotton ташаббусига тегишли марказлаштирилган рақамли кузатув тизими бўлиб, ишлаб чиқарувчилар, таъминотчилар, чакана сотувчилар ва брендлар томонидан етказиб берилган ва қабул қилинган Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта маҳсулотлари ҳажмларни ҳужжатлаштириш ва улар бўйича баёнот киритиш учун фойдаланилади. Better Cotton ташаббусининг Маҳсулотни таъминот занжири бўйлаб кузатиш дастури стратегиясига мувофиқ, BCP тизими 2023 йилда янги жисмоний УҲН моделларига мослашиш учун янгиланади.

Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта учун муайян жараённинг қайта ҳисоблаш коэффициенти кирувчи ва чиқувчи ҳажмлар асосида автоматик равишда бажарилади ва фақат ўқиши учун мўлжалланган қиймат сифатида тақдим этилади. BCP тизимида қайта ҳисоблаш коэффициенти Better Cotton ташаббуси томонидан белгиланган диапазон ичida ёки йўқлиги текширилади. Миқдор мувозанати тизимида буюртмалар учун BCP тизимида маҳсулот тури ва жараёнига асосланган стандартлаштирилган қайта ҳисоблаш коэффициентларидан фойдаланилади.

BCP тизимидан фойдаланиш, хоҳ жисмоний, хоҳ Миқдор мувозанати тизими буюртмалари бўлсин, Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта билан бўладиган барча амалиётлар учун мажбурий. Better Cotton Platform тизимидан фойдаланадиган барча ташкилотлар Better Cotton Platform (BCP) тизими шартларини имзолаши шарт.

## Better Cotton ташаббусига аъзолик

Better Cotton ташаббусининг УҲН стандарти талабларига мувофиқлик бўйича текширувдан ўтган барча ташкилотлар Better Cotton ташаббуси аъзоси бўлиш учун ариза топширишига йўл қўйилади. Better Cotton ташаббусига аъзолик қўйидагилар учун мажбурий ҳисобланади:

- Better Cotton маҳсулотидан фойдаланилгани акс эттирилган баёнотларга эга бўлган тайёр маҳсулотларни сотиб олмоқчи бўлган чакана сотувчи ва брендлар.
- Тозаланган пахта толасини сотиб оловчи таъминотчилар (пахта сотувчилари ва йигириш қувватларига эга ишлаб чиқарувчилар).

Аъзо бўлмаган, аммо текширувдан ўтган ташкилотлар аъзо бўлмаган ВСР таъминотчилари ҳисобланади.

Better Cotton ташаббусига аъзолик тўғрисидаги қўшимча маълумотларни ушбу ҳавола орқали топишингиз мумкин:

<https://bettercotton.org/membership/>.

## Ахборот манбалари

Қуйидаги хужжатлар Better Cotton ташаббусининг УҲН стандартини жорий этишда ташкилотларга ёрдам берадиган воситалар тўпламини ташкил этади. Уларга қўйидагилар киради:

- Better Cotton ташаббусининг УҲН стандарти, 1.0-таҳрир
- Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта тозалаш заводи билан тузиладиган шартнома (фақат пахта тозалаш корхоналари учун)
- Better Cotton Platform тизими фойдаланувчилари учун қўлланмалар
- Better Cotton ташаббусининг мониторинг ва баҳолаш тартиб-қоидалари, 1.0-таҳрир
- Better Cotton маҳсулотидан фойдаланилгани акс эттирилган баёнотлар тизими
- Better Cotton ташаббуси аъзолари учун қоидалар тўплами (фақат Better Cotton ташаббуси аъзолари учун амал қиласди)
- Better Cotton ташаббусининг ВСР тизими шартлари
- Better Cotton ташаббусининг УҲН стандарти атама ва таърифлари  
Кўшимча тавсиялар ва тез-тез учрайдиган саволлар Better Cotton ташаббусининг веб-сайтида мавжуд.

Қоидаларни ифодалашнинг оғзаки шакллари (ISO/IEC кўрсатмаларининг 2-қисмидан олинган: "Халқаро стандартлар тузилмаси ва уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиши қоидалари"):

- "шарт" талабларга жавоб бериш учун қатъий риоя қилиниши керак бўлган талабларни англатади.
- "лозим" бир нечта имкониятдан бири (бошқа имкониятлар ёдга олинмаган ёки истисно этилмаган ҳолда) энг мос, деб тавсия этилиши

ёки маълум бир ҳаракат йўналиши афзал эканини (лекин шарт эмаслигини) англатади.

- "йўл қўйилади" хужжат доирасида рухсат этилган ҳаракат йўналишини англатади.
- "мумкин" моддий, жисмоний ёки сабабга боғлиқ бўлишидан қатъи назар, эҳтимоллик ва имконият тўғрисидаги баёнотлар учун ишлатилади.

## 2. Бошқарув тизимиға қўйиладиган талаблар

### 2.1 Умумий талаблар

**2.1.1** Ташкилотнинг юқори раҳбарияти Better Cotton ташаббусининг ВСР шартларига рози бўлган ҳолда, мазкур УҲН стандартининг амалдаги узлуксиз хужжатли назорат талабларини жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ўз мажбуриятини белгилайди ва хужжатлаштириши шарт.

**2.1.2** Ташкилот мазкур УҲН стандартининг амалдаги барча талабларига доимий тарздаги мувофиқликни таъминлайдиган хужжатлаштирилган бошқарув тизимини жорий этиши ва унинг фаолиятини таъминлаб бориши шарт. Бошқарув тизими ташкилотдаги жараёнларнинг миқёси ва мураккаблигига, шу жумладан, заруратга қараб, пудратга берилган фаолият турларига нисбатан қўлланиши шарт.

**2.1.3** Ташкилот мазкур стандартнинг амалдаги талабларини самарали жорий этиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган инфратузилма ва техник ресурслар етарли бўлишини таъминлаши шарт.

### 2.2 Масъулият ва ваколатлар

**2.2.1** Ташкилот томонидан раҳбарият вакили тайинланиб, у мазкур стандартнинг амалдаги барча талабларига мувофиқлик учун умумий жавобгарлик ва ваколатга эга бўлиши шарт.

**2.2.2** Ташкилот томонидан унинг фаолиятидаги ҳар бир муҳим назорат нуқтасини жорий этиш ва бошқариш учун масъул бўлган асосий ходимлар белгиланиши шарт.

**2.2.3** Ташкилот раҳбарият вакилининг ўзгариши ёки бошқа муҳим ўзгаришлар тўғрисида Better Cotton ташаббусига ўзгаришлар содир бўлган кундан бошлаб 15 календар куни ичida электрон почта орқали хабар берилиши шарт.

### 2.3 Ўқитиш

**2.3.1** Ташкилот томонидан ҳар йили қайта кўриб чиқиладиган ва тегишли қайдлар билан тасдиқланадиган ўқув режаси амалга оширилиб, унинг доирасида барча тегишли ходимлар мазкур Стандартнинг амалдаги талаблари бўйича ўқитилиши ва тегишли малакаларни эгаллаши таъминланиши шарт.

**2.3.2** ВСР тизимиға маълумотларни киритиш учун масъул бўлган барча ходимлар Better Cotton ташаббуси ёки маъқулланган хизмат кўрсатувчилар томонидан тақдим этиладиган ВСР бўйича ўқув курсини ўтиши шарт.

#### **2.4 Қайдларни юритиши**

**2.4.1** Ташкилот томонидан мазкур Стандартнинг барча жиҳатлари қамраб олинган аниқ, тўлиқ, долзарб ва фойдаланиш қулай бўлган қайдлар юритилиши шарт. Қайдлар ташкилотнинг текшириладиган фаолият турлари доирасига тааллуқли бўлади. Қайдлар, шу жумладан, қўйдагиларни қамраб олиши шарт.

- а. Харид буюртмалари
- б. Таъминотчи томонидан бериладиган юк хужжатлари, келиб чиқиш сертификатлари ва ҳисоб-фактуралар
- в. Хомашё захиралари қайдлари
- г. Ишлаб чиқариш қайдлари
- д. Тайёр маҳсулот захиралари қайдлари
- е. Сотувлар ва тарқатишга доир қайдлар
- ж. Захираларни солиштиришга доир қайдлар

**2.4.2** Ташкилот томонидан барча тегишли қайдлар камида икки йил давомида сақланиши шарт.

#### **2.5 Шикоятлар**

**2.5.1** Ташкилот томонидан Better Cotton ташаббусининг УҲН стандартини жорий этиш билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби ўрнатилиши ва фаолияти таъминланиши шарт.

#### **2.6 Талабга жавоб бермайдиган маҳсулотлар назорати**

**2.6.1** Ташкилот томонидан талабга жавоб бермайдиган маҳсулотлар билан ишлаш механизми яратилиб, мақоми текширилгунга қадар улар Better Cotton ёрлиғи остида сотилишининг олди олиниши шарт. Булар сирасига BCCU бирликлари билан боғлиқ ҳар қандай амалиётлар ҳамда Better Cotton ёрлиғи остида сотиб олинган ёки сотилган, аммо қонунийлигини тасдиқлаш имконияти бўлмаган пахта /таркибида пахта бўлган маҳсулотлар киради.

#### **2.7 Аутсорсинг**

Ташкилот Better Cotton ёрлиғи остидаги маҳсулотларни қайта ишлаш учун субпудратчилардан фойдаланишига йўл қўйилади. Субпудратчилар Better Cotton талабларига мос келиш бўйича текширувдан ўтган ёки ўтмаган бўлишига йўл қўйилади.

**2.7.1** Рухсат этилган ҳолатларда, йигириув қувватларига эга пахта тозалаш заводлари ва фабрикалар аутсорсингга ўтказилган ҳар қандай асосий фаолият тури (пахта тозалаш ва йигириув билан боғлиқ) тўғрисида Better Cotton ни фаолият бошланишидан аввал хабардор қилиши ва батафсил маълумотларни тақдим этиши шарт.

**2.7.2** Ташкилот аутсорсингнинг барча босқичларида товарларга нисбатан қонуний эгалик ҳуқуқини сақлаб қолиши шарт.

**2.7.3** Ташкилот Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта билан анъанавий пахтани назоратсиз аралаштириш ҳолатларининг олдини олиш учун субпудратчини тегишли маълумот ва тайёргарлик билан таъминлаши шарт.

**2.7.4** Ташкилот томонидан барча субпудратчиларнинг янгиланган рўйхати юритилиб, унда қуйидагилар акс этиши шарт, жумладан:

- а. Ҳар бир субпудратчининг номи, манзили ва алоқа маълумотлари
- б. Амалга оширилаётган аутсорсинг фаолияти
- в. Аутсорсинг фаолияти даврийлиги

**2.7.5** Ташкилот ҳар бир субпудратчи билан имзоланадиган шартнома тузиб, унда аутсорсинг фаолияти кўлами белгиланиб, пудратчининг қуйидаги мажбуриятлари кўрсатилиши шарт:

- а. Шартнома доирасидаги барча тегишли текшириш талабларига риоя қилиш мажбурияти
- б. Better Cotton маҳсулоти учун сарфланган ишлаб чиқариш ресурслари ва ишлаб чиқариш ҳажмининг аниқ қайдларини юритиш
- в. Шартнома доирасидаги фаолиятни пудратга ўтказмаслик
- г. Зарурат бўлганда, иккинчи ва учинчи томон УҲН стандарти доирасидаги фаолиятнинг аудиторлик текширувларини ўтказиши учун ўз операциялари билан тўлиқ танишишга рухсат бериш.

**2.7.6** Барча харид ва сотув амалиётларини Better Cotton Platform тизимиға киритиш учун тўлиқ жавобгарлик ташкилот зиммасида бўлади.

**2.7.7** Субпудратчиларга ВСР тизимиға киришга рухсат берилмайди.

## **2.8. Ўзини-ўзи баҳолаш**

**2.8.1** Ташкилот Better Cotton ташабуси томонидан тақдим этилган воситадан фойдаланган ҳолда ҳар йили ўзини-ўзи баҳолаш жараёнини ўтказиб, у

текшириладиган барча тадбирларни, шу жумладан, тегишлилига қараб, аутсорсингга ўтказилган фаолият турларини ҳам қамраб олади. Ўзини-ўзи баҳолаш натижалари Better Cotton ташаббусига юборилиши шарт.

**2.8.2** Ўзини-ўзи баҳолаш натижалари ташкилот раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади.

## **2.9. Бошқарув тизими таҳлили**

**2.9.1** Ташкилотда ҳар йили бошқарув тизими таҳлили ўтказилади. Унда камида куйидаги жиҳатлар кўриб чиқилиши шарт:

- а. Аввалги бошқарув тизими таҳлилига бағишланган мажлислар якуни бўйича амалга оширилган ҳаракатлар
- б. Мазкур стандартнинг амалдаги талаблари қамраб олинган ўзини-ўзи баҳолаш, ички текширувлар ва ташқи баҳолаш натижалари
- в. УҲН стандартини жорий этиш билан боғлиқ шикоятлар / манфаатдор томонларнинг фикр-мулоҳазалари ва ҳар қандай манфаатдор томон шикоятлари асосида кўрилган чора-тадбирлар
- г. УҲН стандартини жорий этиш билан боғлиқ профилактика ва тузатиш чораларининг ҳолати
- д. Бошқарув тизимига таъсир қилиши мумкин бўлган ўзгаришлар
- е. Бошқарув тизими ва тегишли жараёнларни такомиллаштириш усуллари бўйича тавсиялар
- ж. Бошқарув тизими ва тегишли жараёнларни самарали бошқариш ҳамда назорат қилиш учун зарур бўлган ресурсларга бўлган талаблар таҳлили.

### **3. Харидлар, қабул қилиб олиш ҳужжатлари, сақлаш ва ишлаб чиқариш**

#### **3.1. Харидлар**

**3.1.1** Ташкилот текшириш доирасига кирувчи маҳсулотларни етказиб берувчи барча таъминотчилар тўғрисидаги долзарб маълумотларни юритиб бориши шарт, жумладан:

- а. Ҳар бир таъминотчининг номи ва алоқа маълумотлари
- б. Етказиб бериладиган маҳсулот(лар)
- в. Татбиқ қилинадиган УҲН таъминот занжири модел(лар)и

**3.1.2** Better Cotton ёрлиғи остидаги пахтани бозор ёки воситачидан сотиб оловчи пахта тозалаш корхоналаридан қўшимча равишда қўйидагилар талаб этилиши шарт:

- а. Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта сотиб олинадиган барча бозорлар ёки воситачиларнинг номлари ва алоқа маълумотларининг долзарб рўйхатини юритиши.
- б. Барча воситачилар сотиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш, фермер хўжалигидан пахта тозалаш заводига ташиш жараёнида Better Cotton ёрлиғи остидаги пахтани анъянавий пахтадан ажратилган ҳолда сақлаш таъминланадиган ва амалдаги ҳужжатлар орқали Better Cotton ёрлиғи остидаги пахтани лицензияланган фермерларга қадар кузатиш имкониятини берадиган тизимларига эга эканига ишонч ҳосил қилиш.
- в. Ҳар бир воситачидан тегишли харидлар Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта етиштириш лицензиясига эга бўлган фермер хўжалигидан амалга оширилгани, жумладан, фермернинг номи ва/ёки код рақами, харид амалга оширилган сана ва харид ҳажми тўғрисидаги қайдларни олиш.

#### **3.2. Қабул қилиб олиш ҳужжатлари**

**3.2.1** Ташкилот Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта ёки Миқдор мувозанати тизимидағи буюртмалар асосида қилинган барча харидларни қабул қилиб олишда таъминотчидан қўйидаги маълумотлар келтирилган ҳужжат ёки ҳужжатлар тўпламини олиши шарт:

- а. Мижоз маълумотлари
- б. Ташкилотнинг материални етказиб берувчи сифатидаги номи
- в. Техник параметрларни ўз ичига олган маҳсулот тавсифи ёки спецификацияси
- г. Маҳсулот(лар) миқдори
- д. Етказиб бериш / сотиш санаси
- е. Ҳисоб-фактуралар ва шартномалар
- ж. Юк ташиш / жўнатиш ҳужжатлари
- з. Тегишли УҲН таъминот занжири модели (Миқдор мувозанати, Назорат остида аралаштириш, Сегрегация (Бир нечта мамлакат), Сегрегация (Бир мамлакат).

**3.2.2** Ташкилот томонидан ВСР платформасида Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта ва Миқдор мувозанати тизимидағи буюртмалар асосидаги харидлар билан боғлиқ долзарб қайдлар юритилиши шарт.

Пахта тозалаш заводи сифатида фаолият юритувчи ташкилотлар томонидан Better Cotton ёрлиғи остидаги пахтани сотиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ қуидаги маҳсус ҳужжатлар ва қайдлар юритилиши шарт (тегишли ҳолатларда):

- а. Таъминотчилар рўйхати
- б. Харид квитанциялари, харид қайдлари ёки фермерга тўлов амалга оширилгани тўғрисидаги квитанциялар
- в. Дарвозадан киришга рухсат берувчи ҳужжат
- г. Тарозида ўлчаш ҳужжати (сотувчи тўғрисидаги маълумотлар, сана, вақт ва юк оғирлигини ўз ичига олади)
- д. Харид ёки маҳсулот келишини рўйхатдан ўтказиш китоби
- е. Уюм китоби
- ж. Той/ партия рўйхат китоби
- з. Қайдларни қайта ишлаш / пахта тозалаш заводининг ишлаб чиқариш қуввати коэффициентини тасдиқлаш
- и. Аутсорсинг келишуви ва субпудратчи декларациясининг нусхаси (тегишли ҳолатларда)
- й. Келиб чиқиш мамлакати (тегишли ҳолатларда)

**3.2.3** Пахта тозалаш заводи сифатида фаолият юритувчи ташкилотлар Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта бевосита Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта ишлаб чиқариш лицензиясига эга фермерлардан сотиб олинган тақдирда, фермерларга квитанцияларни тақдим этиши шарт. Квитанцияларда харидор/сотувчи номи, Йиллик рухсат берилган ҳажм (AAV) коди (тегишли ҳолатларда) ва/ёки фермер коди, қишлоқ, сана ва миқдор кўрсатилиши шарт.

### **3.3. Маҳсулотни сақлаш ва ишлаб чиқариш**

**3.3.1** Сегрегация (Бир ва бир нечта мамлакат) ва/ёки Назорат остида аралаштириш таъминот занжири моделларидан фойдаланадиган ташкилотлар Better Cotton ёрлиғи остида етказиб бериладиган ва сотиладиган маҳсулот уни сақлаш ҳамда ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг барча босқичларида алоҳида белгиланишини кафолатлаши шарт. Ташкилот томонидан қуидаги сегрегация усулларидан бири ёки бир нечтаси жорий этилиши шарт:

- а. Материалларни жисмоний сегрегация қилиш
- б. Материалларни вақт нуқтаи назаридан сегрегация қилиш
- в. Материалларни жисмоний белгилаш (масалан, ёрлиқлаш).

## **4. Сотиш ва товарларни жўнатиш**

**4.1.1** Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта ёки Миқдор мувозанати тизимидағи буюртмалар асосидаги ҳар бир сотув ва етказиб бериш ҳолатида

ташкилот мижозга ҳужжат ёки ҳужжатлар тўпламини (масалан, ҳисоб-фактуралар, етказиб бериш / жўнатиш ҳужжатлари, тарозида тортилганлик тўғрисидаги ҳужжат) тақдим этиб, унда қуидаги маълумотлар акс эттирилиши шарт:

- а. Мижоз маълумотлари
- б. Ташкилотнинг материални етказиб берувчи сифатидаги номи
- в. Техник параметрларни ўз ичига олган маҳсулот тавсифи ёки спецификацияси
- г. Маҳсулот(лар) миқдори
- д. Етказиб бериш / сотиш санаси
- е. Ҳисоб-фактуралар ва шартномалар
- ж. Юк ташиш / жўнатиш ҳужжатлари
- з. Тегишли УҲН таъминот занжири модели (Миқдор мувозанати, Назорат остида аралаштириш, Сегрегация (Бир нечта мамлакат), Сегрегация (Бир мамлакат).

**4.1.2** Ташкилотлар Better Cotton маҳсулотидан фойдаланилган акс эттирилган баёнотларни фақат Better Cotton Claims Framework механизмига мувофиқ киритиши шарт.

## 5. Ҳажмни солишириш

**5.1.1** Кирувчи ва чиқувчи материаллар ҳажми кўрсатилган қайдлар ташкилот томонидан ҳар бир корхона даражасида доимо юритилиши шарт.

**5.1.2** Ўз обьект(лар)и ВСР тизимида тўғри рўйхатга олинишини таъминлаш бўйича масъулият ташкилот зиммасидадир.

**5.1.3** Ташкилот Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта ёки Миқдор мувозанати тизимида буюртмалар асосидаги барча кириш ва чиқиш ҳажмлари тўғрисидаги йиллик йиғма ҳисботларни тайёрлайди ва уларда обьект даражасидаги ишлаб чиқарилган материаллар миқдори кирувчи ресурслар ҳажми билан мос келиши кўрсатилиши шарт. Йиғма ҳисботда захира даражаси, қайта ҳисоблаш (чиқинди) коэффициентлари, тегишли ҳолатларда, чиқиндилардан фойдаланиш ва Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтанинг Миқдор мувозанати тизимидағи буюртмалар асосида қайта ҳисобланиши инобатга олиниши шарт.

**5.1.4** Ташкилот ВСР тизимида Better Cotton ёрлиғи остида етиштирилган барча жисмоний пахта маҳсулотининг ҳақиқий кирувчи ва чиқувчи ҳажмини қайд этиши шарт.

**5.1.5** Better Cotton ташаббуси томонидан талаб қилинган тақдирда, ташкилот қайта ҳисоблаш коэффициенти диапазонларидан четга чиқиш ҳолатларини текшириши шарт.

**5.1.6** Ташкилот ВСР тизими фойдаланувчилари қўлланмаларининг амалдаги таҳририга мувофиқ, Better Cotton ташаббуси томонидан Миқдор мувозанати тизимидағи буюртмалар учун тақдим этилган стандартлаштирилган қайта ҳисоблаш коэффициентларидан фойдаланиши шарт.

## 6. УҲН таъминот занжири моделлари

Стандартнинг мазкур бўлимида ташкилотларга мижозларнинг Better Cotton ёрлиги остидаги пахтага бўлган талабини қондириш учун турли таъминот занжири моделларидан фойдаланиш имконияти таклиф этилади. Унда тўртта УҲН таъминот занжири моделининг талаблари баён қилинган:

- Миқдор мувозанати
- Назорат остида аралаштириш
- Сегрегация (Бир нечта мамлакат)
- Сегрегация (Бир мамлакат)

### 6.1 Маҳсулотни УҲНнинг турли моделларига қайта ҳисоблаш

Ишлаб чиқариш жараёнида турли УҲН моделлари орқали олинган Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта аралаштирилган тақдирда, ВСР тизими ишлаб чиқарилган маҳсулотга тегишли УҲН моделини автоматик равишда қуидагича тайнинлайди:

Сегрегация (Бир мамлакат) → Сегрегация (Бир нечта мамлакат) – келиб чиқиши турли мамлакатлардан бўлган сегрегация қилинган Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта аралаштирилганда.

Сегрегация (бир ёки бирдан ортиқ мамлакат) → Назорат остида аралаштириш – келиб чиқиши ҳар қандай мамлакатдан бўлган сегрегация қилинган Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта анъянавий пахта билан ёки Назорат остида аралаштириш модели асосида ишлаб чиқарилган Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта билан аралаштирилганда.

**Изоҳ:** Ташкилотлар Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта маҳсулотини ВСР тизими орқали Миқдор мувозанати ВССУ бирликларига айлантиришга йўл қўйилади. Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта маҳсулотини ВССУ бирликларига айлантириш ортга қайтарилмайдиган якуний жараён ҳисобланади.

## 6.2 Миқдор мувозанати тизими

**6.2.1** Ташкилотда материални қабул қилиш пайтида Миқдор мувозанати тизими орқали қилинган буюртмалар билан анъанавий пахта хом ашёси улушкини аниқлашни назорат қилувчи тартиб-қоидалар мавжуд бўлиши шарт.

**6.2.2** Ташкилот кирувчи ва чиқувчи маҳсулотлар учун Миқдор мувозанати тизимида ҳисоб юритиши керак бўлиб, бунда қўйидаги минимал талабларга риоя этиш шарт:

- а. Етказиб бериш санаси
- б. Better Cotton ёрлиғи остида кирувчи маҳсулот миқдори
- в. Миқдор мувозанати тизимида Better Cotton ёрлиғи остида чиқувчи маҳсулот
- г. Сотиш / етказиб бериш санаси
- д. Миқдор мувозанати тизимидағи шахсий саҳифада амалиётларни тегишли харидлар ва сотув ҳужжатлари билан боғлаш учун етарли бўлган маълумот.

**6.2.3** Шунингдек, Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта сотиб олинганда, ташкилот Миқдор мувозанати тизимида энг сўнгги маълумотлар киритилгани ва у реал вақт режимида юритилишини таъминлаши шарт.

**6.2.4** Пахта хомашёси савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта тойлари ва улар билан боғлик BCCU бирликларини турли мамлакатлардан келган пахта тойлари билан алмаштириши мумкин эмас.

## 6.3 Назорат остида аралаштириш модели

**6.3.1** Ташкилотда материалларни қабул қилиб олиш ва хом ашёни сақлашда Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта билан анъанавий пахта алоҳида белгилар билан белгиланишини назорат қилувчи тартиб-қоидалар мавжуд бўлиши шарт.

**6.3.2** Ташкилот ишлаб чиқарилган маҳсулот партиясида Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтанинг умумий пахта ҳажмидағи улушкини қўйидаги формула асосида ҳисоблаш методологиясига эга бўлиши шарт.

$$\text{Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта \%} = \frac{Qc}{Qt} \times 100$$

### Шартли белгилар

*Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта \% = Better Cotton ёрлиғи остидаги пахтанинг ишлаб чиқариш партиясидаги умумий пахта ҳажмидаги улуси*

*Qc = Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта миқдори / Qt = Олиб келинган пахтанинг умумий миқдори (Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта + анъанавий пахта)*

**6.3.3** Материални идентификациялаш ва ҳисобга олиш ишлаб чиқариш партияси даражасида амалга оширилиши шарт.

**6.3.4** Ташкилот Назорат остида аралаштирилган материалнинг барча ишлаб чиқариш партиялари, шу жумладан қуйидагиларнинг қайдларини юритиши шарт:

- а. Ишлаб чиқарилган сана
- б. Ишлаб чиқариш партияси маълумотлари
- в. Ишлаб чиқаришда фойдаланилган Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта маҳсулоти маълумотлари
- г. Ишлаб чиқаришда фойдаланилган анъанавий пахта билан пахта толаси бўлмаган хомашё маълумотлари (тегишли ҳолатларда)
- д. Ишлаб чиқарилган маҳсулот, шу жумладан Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтанинг келиб чиқиш мамлакат(лар)и
- е. Кирувчи ва чиқувчи маҳсулотларнинг миқдори ва хусусиятлари
- ж. Қўлланадиган қайта ҳисоблаш коэффициентлари

**6.3.5** Ташкилот УҲНинг Назорат остида аралаштириш моделига мувофиқ ишлаб чиқарилган Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтани етказиб бериш бўйича барча сотув ва жўнатиш хужжатларида Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта хомашёсининг таркиби ва келиб чиқиши бўйича аниқ фоизлардаги баёнот(лар) киритилишини таъминлаши шарт.

Бу, шунингдек, Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта хомашёси ва турли келиб чиқиш мамлакатлари нисбати кўрсатилган улуш тўғрисидаги баёнотни ҳам ўз ичига олишига йўл қўйилади. Масалан: 70% Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта (Мозамбик, Покистон), 30% анъанавий пахта.

Агар ишлаб чиқариш/қайта ишлаш жараёнида хомашё сифатида пахтадан бўлмаган тола ишлатилса, улуш тўғрисидаги баёнотда ушбу хомашё ҳам кўрсатилишига йўл қўйилади. Масалан: 65% Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта (Хиндистон, Бразилия), 20% анъанавий пахта, 15% полиэстер.

## **6.4 Сегрегация (Бир нечта мамлакат)**

**6.4.1** Ташкилотда харидлар, хомашёни сақлаш, ишлаб чиқариш/қайта ишлаш, жўнатиш ва сотишнинг барча босқичларида сегрегация қилинган хомашё маҳсулотлар алоҳида белгилар билан ажратилишини назорат қилувчи тартиблар бўлиши шарт.

**6.4.2** Материални идентификация қилиш ва ҳисобини юритиш ишлаб чиқариш партияси даражасида амалга оширилиши шарт.

**6.4.3** Ташкилот томонидан сегрегация қилинган материалларнинг барча ишлаб чиқариш партиялари бўйича қайдлар, шу жумладан, қуйидаги қайдлар юритилиши шарт:

- а. Ишлаб чиқарилган сана
- б. Ишлаб чиқариш партияси маълумотлари

- в. Ишлаб чиқаришда фойдаланилган Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта, шу жумладан келиб чиқиш мамлакатлари
- г. Ишлаб чиқаришда фойдаланилган пахта толаси бўлмаган хомашё (тегишли ҳолатларда)
- д. Ишлаб чиқарилган маҳсулот, шу жумладан Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтанинг келиб чиқиш мамлакат(лар)и
- е. Кирувчи ва чиқувчи маҳсулотларнинг миқдори ва хусусиятлари
- ж. Кўлланадиган қайта ҳисоблаш коэффициентлари

**6.4.4** Ташкилот томонидан сегрегация қилинган Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта материалини етказиб бериш бўйича барча сотиш ва жўнатиш ҳужжатларида Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта маҳсулотининг таркиби ва келиб чиқиши тўғрисидаги баёнот(лар) бўлиши таъминланиши шарт.

Агар ишлаб чиқариш/қайта ишлаш жараёнида хомашё сифатида пахтадан бўлмаган тола ишлатилса, улуш тўғрисидаги баёнотда ушбу хомашё ҳам кўрсатилишига йўл қўйилади. Масалан: 85% Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта (Ҳиндистон, Бразилия), 15% полиэстер.

## 6.5 Сегрегация (Бир мамлакат)

**6.5.1** Ташкилотда харидлар, хомашёни сақлаш, ишлаб чиқариш/қайта ишлаш, жўнатиш ва сотишнинг барча босқичларида сегрегация қилинган (бир мамлакат) хомашё алоҳида белгилар билан ажратилишини назорат қилувчи тартиблар бўлиши шарт.

**6.5.2** Материални идентификация қилиш ва ҳисобини юритиш ишлаб чиқариш партияси даражасида амалга оширилиш шарт, сегрегация қилинган пахта хомашёси уюм шаклида сақланадиган пахта тозалаш корхоналари бундан мустасно.

**6.5.3** Ташкилот томонидан сегрегация қилинган (бир мамлакат) материалларнинг барча ишлаб чиқариш партиялари бўйича қайдлари, шу жумладан, қуйидаги қайдлар юритилиши шарт:

- а. Ишлаб чиқарилган сана
- б. Ишлаб чиқарилган партия / уюмнинг маълумотлари
- в. Ишлаб чиқаришда сегрегация қилинган Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтадан (бир мамлакат) фойдаланилган маҳсулот
- г. Ишлаб чиқаришда пахтадан бўлмаган толадан фойдаланилган маҳсулотлар (тегишли ҳолатларда)
- д. Ишлаб чиқарилган маҳсулот, шу жумладан Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтанинг келиб чиқиш мамлакати
- е. Кирувчи ва чиқувчи маҳсулотларнинг миқдори ва хусусиятлари
- ж. Кўлланадиган қайта ҳисоблаш коэффициентлари

**6.5.4** Бундай материалнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги ҳужжатлаштирилган маълумотлар ташкилот томонидан сақланиши шарт ва,

сўралган тақдирда, таъминот занжири бўйлаб материалнинг Сегрегация (бир мамлакат) мақомини таъминлаш учун мижозларга тақдим этилиши шарт.

**6.5.5** Ташкилот томонидан сегрегация қилинган Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта материалини етказиб бериш бўйича барча сотиш ва жўнатиш хужжатларида Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта маҳсулотининг таркиби ва келиб чиқиши мамлакати тўғрисидаги баёнот(лар) бўлиши таъминланиши шарт.

Агар ишлаб чиқариш/қайта жараёнида хомашё сифатида пахтадан бўлмаган тола ишлатилса, улушлар тўғрисидаги баёнотда ушбу таркиб ҳам кўрсатилишига йўл қўйилади. Масалан: 85% Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта (Хиндистон), 15% вискоза.

**Хужжат якуни**